*Ўзбекистонда бундан беш йил олдин юртбошимиз тадбиркорликка кенг йўл очиш, хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириш, катта-кичик корхоналар бунёд этиш, чет эл сармоясини жалб этиш масалаларини ўртага ташлаган эди.*

*Шу ўтган муддат мобайнида Қашқадарё вилоятида қандай ишлар амалга оширилди? Умуман, вилоятда бу борадаги аҳвол қандай? Қуйидаги мақола ана шу хусусда.*



# СИГИРЛАРНИНГ ШОХИ БЎЛСА, АЙБДОРМИ?

ФЕЛЬЕТОН

## ёки Қашқадарёда миллионлаб долларлар нега ҳавога соврилди?

Бундан бир неча йил муқаддам Қарши туманидаги Юсуф Хушвақтов номли жамоа-ширкат хўжалигига Исроилдан экинларни томчилатиб суғоришга мўлжалланган ускуналар, шланглар келтирилганди. Мазкур жиҳозлар режага кўра 60 гектар унумдор майдонларни сув билан таъминлаши лозим эди. Дастлаб у дурустгина ишлатиб турилди. Лекин пахта даласига тракторлар киритилавергач, шлангларнинг анчагина қисми яроқсиз аҳволга келиб қолди. Натижада шлангларни бир-бирига туташтирадиган кранлар ўз-ўзидан йўқолиб сувни йўналтириб берадиган моторлари ишдан чиқди. Хуллас, Барот Жумаев бошлиқ бригада пахтакорлари исроилча суғориш усулидан анчагина панд едилар. Йил охирига келиб ота-боболаримиз усулини қўлдан бермай, сув тараган қўшни Азим Холлиев, Ибод Ўроқов бригадалари ҳар гектар ердан 30 центнердан ошириб пахта ҳосили олишган бўлса, томчилатиб суғоришга ўтган Барот Жумаев жамоаси 20 центнердангина пахта олди.

Жамоа-ширкат хўжалигининг вакиллари томчилатиб суғориш жиҳозлари сотиб олиб берган Ўрта Осиё ирригация мелиорация илмий-тадқиқот институтига бориб, аҳволни баён қилдилар. Лекин мушкул осон бўлмади. Хўжалик раҳбари, бригадирнинг ҳам, пахтакорларнинг ҳам норозилигига барҳам бериш мақсадида пахта етиштириладиган майдонларга ғалла экишга фармон бериб юборди. Асосий майдонларни ғалла эгаллади. Майдонларни эса жайдарича усул билан суғориб қўяқолинди. Хўжалик раҳбари Холиёр Омонов бизга томчилатиб суғоришга мўлжалланган ускуна ва жиҳозлар хўжаликка текинга илмий-тадқиқот олийгоҳининг саъй-ҳаракати натижасида олиб келинганлигини тушунтиради. Лекин у ана шу ускуналар мамлакатимизга текин келтирилмаганлигини, республиканинг валюта маблағи эвазига олинганлигини ҳисобга олмади.

Қарши тумани раҳбарлари учун чет эл фирмалари билан зарарига бўлса-да, шартнома тузиш одат тусига айланиб қолган шекилли. Улар яна Исроилнинг «Эйнаб» фирмаси билан битим тузишга муваффақ бўлдилар. Келишувга кўра исроилликлар тумандаги замонавий қурилган чорвачилик мажмуини энг янги ускуналар билан жиҳозлашадиган бўлишди. Бунинг учун Исроилга пахта толаси жўнатиладиган бўлди. Тез орада Қашқадарёдан 2 миллион АҚШ доллари миқдорида хомашё жўнатилди. Хорижлик ҳамкорлар ҳам узоқ куттириб қўйишмади. Замонавий ускуналар, компьютерлар, автоматлар, сигирларни соғиш ускуналари пайдар-пай келиб тушаверди. Исроилдан келтирилаётган жиҳозлар сут-товар фермасига мўлжаллангани учун сутчиликка ихтисослашган мажмуида ўрнатилиши лозим эди. Бу ўринда ҳам нохолислик панд берди. Вилоят раҳбарларининг кўрсатмаси билан келтирилаётган ускуналар Қарши туманидаги бўрдоқичиликка ихтисослашган «Манғит» давлат хўжалигида ўрнатиладиган бўлди. Бироқ бу ерга ташриф буюрган экспертлар қурилган биноларни яроқсиз деб топишди. Уларнинг таклифлари билан янгидан сигир сақланадиган айвонлар, бузоқхоналар ва бошқа бинолар қуриладиган бўлди. Яқинда қурилишни тугаллаган «Қашқадарёдеҳқонқурилиш» трестининг Остон Қурбонов раҳбарлигидаги 241-механизациялашган кўчма колоннаси бинокорлари қайтиб келиб яна ишга тушишди. Исроилдан 2 миллион АҚШ доллари ҳисобига келтирилган ускуна ва жиҳозлар бўлажак молхонага ўрнатилди. Чорвачилик мажмуининг қурилишига эса 238 минг АҚШ доллари ҳисобида харажат қилинди.

Хориж жиҳозлари ўрнатилган замонавий чорва мажмуи битгач, уни сигирлар билан тўлдириш муаммоси қолганди, холос. «Манғит» давлат хўжалигида эса сигирлар йўқ эди. Бўрдоқига фақат ҳўкизлар боқилади. Раҳбарлар вилоятнинг турли фермаларидан зотдор ғунажинлар тўплаб, янги фермани тўлдиришга амр қилишди. Лекин исроиллик мутахассислар бунга эътироз билдирдилар. Маълум бўлишича, Исроил фирмаси томонидан етказиб берилган жиҳозлар шохсиз сигирлар учун мўлжалланган экан. Чунки шохли сигирлар компьютерлашган соғиш аппаратлари, унинг осилиб турган электр симларини ҳар қадамда узиб юбориши мумкин экан. Шунинг учун «Эйнаб» фирмаси вакиллари ҳар бири 9 минг АҚШ доллари турадиган, бузоқлигидаёқ шохи лазер нури билан куйдирилган сигирларни сотиб олишни таклиф этдилар. Вилоятда эса бунчалик миқдорда валюта йўқ.

Чорвачилик комплекси қуриб битказилганига мана бир йилдан ошди. Лекин у сигирлар йўқлигидан ишга туширилмай турипти. Вилоятнинг баъзи раҳбарлари сигирларнинг шохини арралаб ташлашни ҳам таклиф қилишди. Лекин мутахассислар бунинг оқибати яхшилик билан тугамаслигини айтиб қўйишди. «Эйнаб» фирмасининг вакили Михаил Яхниннинг айтишича, чорвачилик комплексига келтирилган 2 миллион долларлик ускуна ва жиҳозлар эвазига Қашқадарёда камида 20 та чорвачилик мажмуини қуриб битказиш мумкин экан. Фирма билан тузилган битимда ким эҳтиёт қисмлар билан таъминлайди, ускуналарнинг ишлашини ким кафолатлайди. Бу тўғрида ҳеч қандай гап-сўз йўқ. Шартноманинг экспертизадан ўтмаганлиги ҳам ғайритабиийдир.

Яқинда хўжалик вакилларидан уч киши Германияга жўнаб кетишди. У ердан ҳар бири 1,8 минг АҚШ доллари ҳисобига Голленштейн зотли ғунажинлар олиб келинармиш. Германиядан Қашқадарёгача сигирларни олиб келиш учун яна қанча қўшимча харажатлар бўлар экан? Хориждан келадиган ҳар бир ғунажин энг камида 100 минг сўмга тушиб келаркан-да. Бели оғримаганнинг нон ейишини кўринг. Шунча маблағга 100 бош сигир сотиб олиш мумкин-ку!

Қашқадарёда нима кўп, мол териси кўп. Илгари теридан пўстак, пўстин, пойабзал тикиларди, рўзғорда асқотадиган кўплаб буюмлар тайёрланарди. Ҳозир буларни тикиш кўпчиликнинг ёдидан кўтарилган. Нишон туманидан чиққан бир тадбиркор терини ошлайдиган завод барпо этиш учун хитойлик ҳамкор топди. Қисқа вақт ичида 200 минг АҚШ доллари эвазига Хитойдан терини ошлайдиган, биринчи ишлов берадиган жиҳозлар келтирилди. Эвазига пахта толаси жўнатиб юборилди.

Бўлажак завод учун «Қаршиқурилиш» бирлашмасининг Нишондаги корхоналаридан бирининг бўшаб қолган биноси ажратилиб, корхонанинг дастлабки навбати ишга туширилди. Бу ерда йилига 60 минг дона қўй, эчки, 40 минг дона қорамол териси қайта ишланиши лозим. Хитойлик мутахассислар корхонани ишга тушириб ишлатиб беришди. Лекин хитойликлар кетиши билан терини қайта ишлаш ҳам тақатақ тўхтатиб қўйилди. Ўртада вилоятнинг кор-ҳолига яратса бўладиган 200 минг долларлик пахта толаси ҳавога совуриб юборилди.

Қарши шаҳри яқинида Шўртанг газ конлари бошқармаси кўним топган. Бошқарманинг бўшаб қолган иморатларидан бирига вилоят тайёрлов-савдо ташкилоти ташаббускорларининг чапдастлиги натижасида Германиядан жунни ювадиган ноёб ускуналар келтириб ўрнатилди. Қашқадарё — чорвадор ўлка. Хўжаликларда ҳам, аҳолида ҳам жун кўп. Шунинг учун кўпчилик жунни дастлабки ишловдан чиқарадиган корхонанинг ишига катта умид билан қараганди. Кейинчалик корхонанинг жунни ювадиган цехига ёнма-ён жунни йигирадиган, ундан турли иссиқ кийимлар тўқийдиган цехлар барпо этиш учун ҳам имкониятлар очилаётганди. Кунига 24 тонна жунни ювадиган корхона ҳам синовдан ўтиши билан тўхтаганча турибди.

1993 йил январида Туркиянинг «Язекс» фирмаси вице-президенти Аҳмад Нафий Юракли вилоят марказига ташриф буюради. У Қаршида мамнуният билан кутиб олинди. Эртасигаёқ Аҳмад Нафий Юракли билан вилоят ҳокими Темур Хидиров ўртасида «ҳар икки томон учун манфаатли» битим имзоланди. Шартлашувга кўра «Язекс» корпорацияси Қарши шаҳрида йирик тўқимачилик мажмуи барпо этиши кўзда тутганди. Вилоятда чиқадиган газеталар ушбу шартнома Қашқадарё вилояти тарихига катта ўзгартишлар олиб киришини башорат қилиб, биринчи саҳифаларидан аҳдлашувни мадҳия этувчи мақолалар чоп этдилар. Хусусан, вилоятда чиқадиган «Қашқадарё ҳақиқати» газетаси ўзининг 1993 йил 26 январь сонида тўқимачилик мажмуи учун 28 миллион доллар сарфланиши, у тўла фойдаланишга топширилгач, йилига 25 минг тонна ингичка толали пахтани қайта ишлаб, ҳар йили 7,5 миллион дона эркаклар ва аёллар кўйлаги ишлаб чиқаришини маълум қилишди. Тўқимачилик мажмуи 1993 йил охирида ишга тушиши лозим эди. Ахборотларда тўқимачилик мажмуи учун кетган сарф-харажатлар бир йил ичида қопланиши таъкидланганди.

Зудлик билан бўлажак корхона учун ер майдони ажратилди. Уни қуриш вилоят «Деҳқонқурилиш» тресті зиммасига юклатилди. Қурилишлар лойиҳадан бошланди. Лекин тўқимачилик мажмуини тиклашга киришган қурилиш трести раҳбарлари лойиҳанинг бор-йўқлигини ҳам, қурилишнинг смета қийматини ҳам суриштириб ўтиришмади. Улар туркиялик фирма вакилларининг гапи билан биноларни тиклашга киришиб кетдилар. Мажмуада барпо этилган иншоотларга кетган сарф-харажатларга қараб «Ўздеҳқончиликхўжаликлароролойиҳа» институтининг қарши шаҳридаги филиали лойиҳаларни ишлаб чиқди.

Шуниси ажабланарлики, уч йил ичида қурувчилар томонидан 56,9 миллион сўмлик қурилиш-тиклаш ишлари адо этилди. Бунинг учун кетган харажатларни вилоят «Пахтасаноат» ҳиссадорлик бирлашмаси ўз зиммасига олди. Бир йилга мўлжалланган қурилиш уч йилга чўзилди. Тўқимачилик мажмуи фабрикалари цехларига асосан Италия, Швейцария мамлакатларида тайёрланган ускуна ва жиҳозлар ўрнатилди. Айрим цехларга эскирган технология жиҳозлари ҳам тиклаб юборилди. Ҳатто туркиялик ҳамкорлар буюртма қилинмаган ускуна ва дастгоҳларни ҳам тўқимачилик мажмуига келтириб, унинг қийматини талаб қилиб туриб олишди.

Энг қизиғи шундаки, мажмуи тикланган жойдан уч юз метрча нарида пахта тозалаш заводи жойлашган. Ушбу корхона тўқимачилар учун истаганча тола етказиб бериш қувватига эга. Туркияликларнинг таклифи билан янги корхонага ёнма-ён йилига ўттиз минг тонна хомашёни қайта ишлайдиган пахта тозалаш корхонаси қурилди. Тўғрироғи, «Язекс» корпорацияси ана шу пахта тозалаш корхонаси ускуна ва жиҳозларини Қашқадарё вилоятига ўзлари учун манфаатли нархларда сотишга муваффақ бўлдилар. Пахта тозалаш корхонаси қурилиши билан хомашёни қабул қилиб оладиган пахта пункти, чигитни сақлайдиган омборлар, айвонлар ва бошқа қўшимча иморатлар қуриш учун ҳам кўплаб материал ва маблағлар сарф этишга тўғри келди.

Тўқимачилик мажмуи қурилиши бошланган пайтда Туркиянинг «Язекс» корпорацияси орқали 28 миллион долларлик ускуна ва жиҳозлар келтирилиши белгиланган эди. Айни пайтда хорижлик ҳамкорлар 40 минг АҚШ доллари миқдорида жиҳозлар, дастгоҳлар ўрнатилганлигини даъво қилиб турибди. Уларнинг талаби ва вилоят раҳбарларининг мойиллиги билан Қашқадарёдан Мармар денгизи соҳилларида жойлашган диёрга 22 минг тонна сара пахта толаси жўнатиб юборилди. Шунча миқдордаги пахта толасининг қанча доллар туришини вилоятда ҳеч ким билмайди.

«Язекс» корпорацияси раҳбарлари тўқимачилик мажмуи қурилиши билан боғлиқ ўнга яқин вилоят мутасаддиларини Туркия, Италия, Швейцария мамлакатларининг фусункор табиатидан ҳузурланиш, Мармар ва Эгай денгизлари қирғоқларида дам олиб, завқланишларини бир неча бор ташкил этди. Ана шундай бахтли, фараҳбахш сафарларнинг бирига вилоят ҳокимининг қурилиш масалалари билан шуғулланувчи ўринбосари Карим Остонов етакчилик қилган эди. Улар «Язекс» корпорациясининг воситачилик жиҳатларини ўрганиш, Қаршига қандай жиҳозлар, ускуналар жўнатилиши билан қизиқиш ўрнига кўпроқ чет эл меҳмонхоналаридаги қулайликлар, музлатгичларнинг ноз-неъматлар билан тўлдириб қўйилгани тўғрисидаги таассуротлари билан қайтиб келишди.

Тўқимачилик мажмуида иш тўхтатиб қўйилганига беш ойдан ошди. Чет эллик ҳамкорлар аллақачонлар Қарши шаҳрида яшаб ишлагани учун ундирган иш ҳақини оиласи фароғати йўлида харажат қилиб турган бир пайтда, тўқимачилик мажмуига ўрнатилган дастгоҳлар таъмир талаб бўлиб қолса ҳам ажаб эмас. Чунки вилоят хўжаликларининг толаси ҳисобига қурилган ушбу корхона ҳалигача ҳеч қайси ташкилотнинг балансига олинмаган.

Дастлаб тўқимачилик мажмуида 12 минг кишининг меҳнат қилиши режалаштирилган эди. Бундан бир неча ой муқаддам бу ерда ишлаш учун танлов эълон қилинди. Шу асосда турмушга чиқмаган қизлар, уйланмаган йигитлардан 300 киши ишга қабул қилинди. Сал ўтмай уларга ҳам жавоб бериб юборилди. Ҳозир ушбу йирик корхонада яқиндагина раҳбарликка тайинланган Хўжам Қодиров ва бир неча қоровулдан бошқа ҳеч ким йўқ.

Кейинги беш йил мобайнида Қашқадарё вилоятида мана шу биз қаламга олган корхоналар қурилишига қўл урилган эди. Ана шу корхоналарнинг ишга тушиши билан 15 мингдан зиёд киши иш билан таъминланарди. Лекин лоқайдлик, бепарволик туфайли вилоятда бошланган ушбу хайрли ишлар ниҳоясига етмай турибди.

Тўғри, Қашқадарёда ҳам тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг йўл очиш тўғрисида катта-кичик йиғинларда нутқлар сўзланди, вилоят миқёсида ташаббуслар кўтарилди. Ана шу ташаббусларга жавобан вилоятда ўнга яқин гилам тўқиш, макарон ишлаб чиқаришга мўлжалланган цехлар ишга туширилди. Лекин биргина макарон ишлаб чиқариш билан келажакни таъминлаб, хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириб бўлмайди. Қолаверса, юқоридаги пала-партишлик, бошбошдоқлик билан қилинган ишларга кимлардир жавоб бериши керак-ку...

**Пўлат ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «АВЕСТО»дан ЎЗБЕК АДАБИЁТИГАЧА

*Навоий «Ҳайратул-аброр» (Яхши кишиларнинг ҳайрати) достонида олимнинг фазилати ва масъулияти ҳақида ёзар экан, фидойи олимларга «Шараф гавҳарининг кони» деб таъриф беради:*

***Кон ўзию юз сари гавҳар анга,***
***Чарх ўзию ҳар тараф ахтар анга.***
***Конида гавҳарлари ҳам барча пок,***
***Чархида ахтарлари ҳам тобнок.***
***Кимки, бу иқбол анга бўлғай насиб,***
***Солмаса, дунйи сари кўз, не ажиб.***
***Эгнида гар хирқаси юз чок эрур,***
***Гулга тўни йиртиғи не бок эрур,***

Мазмуни: ҳақиқий олим ўзи кону, юз томони яна гавҳар, ўзи осмону ҳар тарафи юлдузлар. Конидаги гавҳарларнинг барчаси пок, осмонидаги юлдузлар ҳам порлоқ. Кимга шундай бахт насиб бўлса, бойликка кўз олайтирмаса, ажабланадиган жойи йўқ. Эгнидаги тўни юз жойидан йиртилган бўлса ҳам, гулнинг тўни йиртиқ экани айб эмас-ку!

Ғоятда самимий, гўзал ташбеҳлар! Улуғ шоирга илҳом берган бу тоифадаги олимлар ҳамма замонларда ҳам халқнинг ифтихори, юртнинг кўрки. Айниқса, бугунги мустақил Ўзбекистон шароитида Навоий таърифига монанд олимларнинг борлиги ҳам миллатимиз фахри.

Кўпларга устозлик қилган Азизхон Қаюмов ўша тоифага мансуб олимлардан.

Яқинда домла билан институтнинг ишлари юзасидан у кишининг хонасида гаплашиб ўтирган эдик. Басавлат бир киши кириб келди. Хоразмдан, илгари ҳам домланинг суҳбатида бўлган, қайсидир музейда ишлар экан. Гап шеър, адабиёт хусусида кетди. У киши суҳбат якунида домлага деди: — Хоразмда сиз ҳақингизда кўп гаплашамиз. Қанча ишингиз бўлишига қарамай, одамларни табассум билан кутиб оласиз, табассум билан кузатиб қўясиз. Биз доимо сизни фахр билан эслаймиз.

Ўша инсон ҳақ гапни айтди. Устознинг унвонларисиз ҳам уни таниганлар «яхши одам», «билимдон одам» ва ҳоказо сифатлар билан таърифу тавсиф этади.

Домла туғилиб вояга етган муҳит аслида шундай эди.

У Тошкентга келиб Усмон Юсуповнинг меҳр-мурувватига сазовор бўлди, бу зот хонадонида унинг фарзандлари қатори яшади. Бу оила Азизхонга



катта мактаб бўлди. Ҳабиб Абдуллаев Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти лавозимида ишлаганда, А. Қаюмов тил ва адабиёт институти директори эди. Хуллас, у «катта қозон»да қайнади, камол топди, ибрат олди.

Академик Азиз Қаюмовнинг таржимаи ҳолига, шахсан ўз оғзидан эшитган ибратли воқеаларга тўхталадиган бўлсак, эҳтимол, катта тарих бўлар. Вақти билан бу тарих ҳам ёзилар. Бугунги кунда у Ўзбекистон Фанлар академияси Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти директори, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий ҳайъати раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати...

Домлани машҳур этган жиҳати унинг илмий асарларидир. У 1954 йили XIX аср шоири Махмурнинг янги топилган шеърлари асосида номзодлик, 1961 йили «Қўқон адабий муҳити» мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ўша пайтда 35 ёшда эди.

«Қўқон адабий муҳити» монографияси 60-йиллар адабиётшунослигида дадил қадам бўлди.

Навоий ижоди устознинг илмий фаолиятида узлуксиз равишда асосий ўрин эгаллаб келади. Улуғ шоир ижодига оид тадқиқотлари — «Ҳайратул-аброр» талқини», «Фарҳод ва Ширин» сирлари», «Ишқ водийсининг чечаклари», «Садди Искандарий» китоблари навоийшуносликни янада бойитди, унга янада шуҳрат келтирди.

А. Қаюмовнинг илмий фаолияти «Авесто»дан тортиб бугунги ўзбек адабиётигача бўлган даврни қамраб олади. «Қадимият обидалари» асари VI-VIII асрларда яратилган урхун-енисей ёдгорликларининг таҳлилига бағишланган. Муаллиф Кул тигин, Билга хоқон, Тўнюқуқ обидалари асосида аждодларимиз қадимги туркларнинг ватан мустақиллиги йўлидаги курашларини, қаҳрамонликларини эҳтирос билан ҳикоя қилиб берди. Домла ёшлигида шеър ёзиб, шеърият билан ошно бўлиб юрган эмасми, йирик урхун ёзуви ёдгорликларини шеър билан, бу ёдгорликлар қаторида Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит-турк» (туркий сўзлар девони) асаридаги шеърий парчаларни ҳозирги ўзбекчага ағдарди:

қадимги туркчаси:

***Улуғлуқ бўлса сэн эзгу қилин,***
***Бўлғил кишиг бэглар қатин йахши улан.***

А. Қаюмов ағдарган варианти:

***Улуғлигинг ошса агар, хушхулқ бўлғил,***
***Бек ёнида халқлар учун хўп иш қилғил.***

Домланинг илмий фаолиятида форс-тожик адабиётига оид тадқиқотлар ҳам муҳим бир томонни ташкил этади. Унинг «Назм ва тафаккур қуёши» номли асари шу йўналишдаги бир намунадир. Асар Навоийнинг устози ва дўсти, улуғ шоир Абдураҳмон Жомийнинг ҳаёт йўли, ижодини ёритишга бағишланган. Жумладан, Жомийнинг «Ҳафт авранг» (Етти тахт) асарига кирган достонларнинг моҳияти асарнинг асосий мақсадидир.

Устоз Навоийнинг кам ўрганилган асарларига доимо эътибор қаратиб келди. Улар таҳлилига бағишлаб «Нодир саҳифалар» асарини ёзди. Унда Навоийнинг «Насойимул-муҳаббат», «Вақфийя», «Муножот», «Тарихи мулуки Ажам» асарларининг мундарижаси, ёзилиш сабаблари, бу асарларнинг мақсади ҳақида сўз юритилади.

А. Қаюмов Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Зокиржон Фурқат, Аҳмад Фарғоний ҳақида ҳам илмий-бадиий асарлар яратиб, ўзбек адабиётида янги бир йўналишни бошлаб берди.

Олимнинг фан ташкилотчиси сифатидаги фаолияти алоҳида тарихдир. 60-йилларда бир ривож топиб, сўнг орқага кетган адабий манбаашунослик 80-йиллар ўрталарига келиб устознинг ғайрат ташаббуси билан яна камол топа бошлади. Худди шу даврда Марказий Осиё қадимий ёзувларининг Қўлёзмалар институтида куртак отиб етилиши ҳам унинг саъй-ҳаракатлари ва илмпарварлиги билан боғлиқ.

Аллома Азиз Қаюмов 70 ёшга тўлди. «Ўзбекистоннинг равнақи учун нима лозим бўлса, биз шуни қиламиз», дейди у доимо. Зотан, ният яхши, мақсадлар улуғ. Биз устозга ана шу улуғ мақсадларининг амалга ошувида тилакдошмиз.

**Насимхон РАҲМОНОВ,**
**филология фанлари доктори.**

## ЭНДИ СУТ ҚИШЛОҚНИНГ ЎЗИДА ҚАЙТА ИШЛАНАЯПТИ

*Шу пайтгача, сутни, асосан, қишлоқда етиштириб, шаҳарда қайта ишлаб, ёғ, қатиқ, қаймоқ тайёрланарди. Энди-чи?*

Шовот туманидаги К. Раҳимов номли жамоа хўжалигида янги сут-ёғ заводи қурилгач, чорвадорлар ўзлари етиштираётган сутни шу жойнинг ўзида қайта ишлаш имконига эга бўлишди. Энди маҳсулотни 30-40 чақирим узоққа ташиш машаққати барҳам топди. Боз устига сутни қайта ишлаш ва сотишдан келадиган даромад шу ернинг ўзида қоладиган бўлди.

Сут заводи бир кеча-кундузда 10 тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга.

**А. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Моҳи рамазон муборак!*

# РУҲИЯТДАН ТАҒИН БИР ИМТИҲОН

***Юртимизга табаррук рамазон ойи ташриф буюрди. Хонадонларимизда рўза нашидаси кўнгилларга рўшнолик бахш этмоқда. Қуръони карим ва ҳадисларда рўзанинг мусулмонлар ва муслималар учун Оллоҳ таоло томонидан иноят қилинган муқаддас ой эканлиги уқтирилади. Исломнинг иймон, намоз, рўза, ҳаж ва закот каби рукнларидан бири бўлмиш рўза биз учун руҳиятимизни яна бир имтиҳон қилиш, иймон-эътиқодимизни мустаҳкам тутишимизнинг шартларидандир.***

Агар ўтмиш адабиётимиз саҳифаларига назар ташлайдиган бўлсак, унда шоирларимизнинг рўзага бағишлаб қанчадан-қанча шеърлар ёзганига, халқ оғзаки ижодида қўшиқлар тўқилганлигига кўзимиз тушади. Рўза кунлари оқшом ва тонг саҳарларда болалар тўпланишиб завқ билан қўшиқлар айтган чоғларида юраклар беихтиёр фахр ва ифтихорга тўлади. Нуроний кексаларимизнинг юриш-туришларини кўриб қувонасан киши.

Шоира Нодира ғазалиётида рўза таърифига бағишланган бир қатор шеърлар мавжуд.

**Рўзани, мардона тут, хулқи тавозиъ пеша қил,**
**Гар эрурсан тонгла муштоқи жамоли Кибриё.**

***

**Рўзада, Комила, боз айла саховат эшикин,**
**Бўлди ҳақ раҳматидин рўзаи ризвон ҳожат.**
**Эй кўнгул, дам урма, изҳори шикоят айлама,**
**Бордур оми бандаларга рўза инъоми худо.**

***

Рамазон ойида ўтганларнинг муқаддам руҳларини хотирга олиш, уларнинг ҳокларини тавоб қилиш яхши одатлардан ҳисобланади. Бундай вақтларда хонадонларда катта дастурхон ёзилиб, ифторлар уюштирилган, Қуръон ўқилиб, дуо қилинган. Бу яхши удум шоира шеърларида кўп эсланади:

**Кундузи бир гўшада ошуфтаҳолу саргарон,**
**Кечалар то субҳидам бедору машғули дуо.**

Рамазон ойи ва шу муносабат билан кишининг ўзлигини огоҳ қилувчи шеърлар Жаҳон отин Увайсий, Дилшоди Барно ва Муслиҳабегим Мискин каби шоираларнинг шеърларида ҳам алоҳида бир манзарани ташкил қилади.

Авлодлар томонидан мусулмонликни маҳкам тутиш, унга бўлган эътиқодни юқори кўтариш, яхши одатларни асраб-авайлаш замонлар давомида одамларни юксак аҳлоқ-одоб руҳида тарбиялаб келди. Рамазон ойи ва рўза ҳақидаги шеърларда инсон руҳиятини кўтарувчи удумларимизнинг муқаддаслигини ёдга солувчи ажойиб лавҳалар бугун ўзининг чуқур мазмуни, ёрқин ифодалари билан ҳаммамизнинг диққатимизни тортади. Зотан, шоирамиз айтганидек: «Моҳи рамазонки, файзи чўқтур».

**Маҳбуба ҚОДИРОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори.**

• *Биродарлигимиз абадийдир*

# «ЎЗБЕКИСТОНДА ДЎСТЛИК ҚУЁШИ ҲАММАГА БИРДАЙ НУР СОЧАДИ»

*Ўзбекистонда юзга яқин миллий маданият маркази фаолият кўрсатиб турибди. Яқинда жамоатчи мухбиримиз Литва маданият марказининг раиси И. Дервинис билан суҳбатлашди.*

**— Мухтарам раис, дастлаб марказнинг мақсади ва фаолияти ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Ўзбекистон Президенти: «Халқларимизнинг азалий бирлиги ва бир-бирига интилиши ҳар бир уйда, ҳар бир оилада, ҳар бир қишлоқда ва ҳар бир шаҳарда яққол сезилади», деб алоҳида таъкидлаган эдилар. Ўзбеклар бағри кенг, танти халқ. Бу заминда неча асрлардан буён яҳудийлар, турклар, араблар, эронликлар, татарлар ва бошқа элатлар эмин-эркин яшаб келадилар. Уларнинг дини, эътиқоди, турмуш тарзи — маданиятига ҳеч ким тўсқинлик қилмайди. Биздаги барқарорликнинг ҳаётбахш манбааларидан бири, шубҳасиз, бу заминда яшаётган турли миллат ва элатга мансуб инсонларнинг ҳаммаси беистисно тинчлик ва тотувликка интилаётганидир. Қандай миллатга мансуб бўлишимиздан қатъий назар, барчамиз Ўзбекистон фарзандларимиз.

Бизларнинг ватанимиз, тақдиримиз, қисматимиз муштарак. Ўзбекистон ҳамма вақт, айниқса, буюк синовлар пайтида ўзга миллатлар билан ўзаро ҳурмат ва тотувлик, дўстлик руҳи билан ажралиб турган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин қабул қилинган янги Конституцияда миллати, диний эътиқоди, тилидан қатъий назар, барча фуқароларнинг манфаатлари ва эркинликлари кафолатлангандир.

Биз, литваликлар тақдир тақозоси билан етти иқлимга тарқалиб кетган халқмиз. Шу кеча-кундузда дунёдаги 39 мамлакатда Литва миллий маркази ишлаб турибди. АҚШ нинг Чикаго шаҳрида Литва тўғрисида халқаро журнал чоп этилади. 1992 йили Тошкентда ҳам маданият маркази ташкил этилди. Ўзбекистонда икки мингдан ортиқ литва миллатига мансуб фуқаролар истиқомат қиладилар. Марказ ўз миллатдошларининг маданияти, тили, урф-одатларини сақлаш, миллий анъаналарини ривожлантириш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш тарихий юртлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатишни ўзининг асосий вазифаси деб билади. Ўзбекистонда яшаётган литваликлар вақти-вақти билан марказда учрашиб, тўпланиб қолган турли масала ва муаммоларни бамаслаҳат ҳал этадилар. Шу ердаги махсус мактабда Литва тарихи, Литва тилидан мунтазам машғулотлар ўтказилмоқда. Миллий байрамлар, диний, ижтимоий муҳим саналар биргаликда нишонланади. Қизиқарли учрашувлар уюштирилади. Литва парламентида алоҳида нуфузли комиссия хориждаги ватандошлар масаласи билан мунтазам шуғулланади. Унинг тавсияси билан ҳукумат уларга тегишли ёрдам кўрсатади.

Марказ Литвадан газета-журналлар, турли дарслик, китоблар олиб туради. Ҳар йили марказ аъзолари, ўқувчилар ёзги таътил пайтларида Литвадаги сўлим масканларда, оромгоҳларда дам оладилар.

**— Ўзбекистон-Литва алоқалари хусусида ҳам тўхталсангиз. Ўзбек ва Литва халқлари ўртасида умумий жиҳатлар жуда кўп, шундай эмасми?**

— Тўғри айтдингиз. Аввало, ўзбек ва Литва халқи меҳнатсеварлиги, меҳмондўстлиги билан ажралиб туради. Икки халқ, икки мустақил давлатни бир-бири билан боғлаб турувчи нуқталар жуда кўп. Масалан, Ўзбекистон пахтаси билан машҳур. Литвада эса тўқимачилик саноати ривожланган. Молиявий ишлаб чиқариш, маънавият соҳаларида ҳамкорлик қилишлари учун кенг имкониятлар бор. Ўзбекистон билан Литва Республикаси ўртасидаги дипломатия муносабатлари 1992 йилда ўрнатилган эди. Демак, мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асоси 1993 йилда имзоланган савдо-сотиқ, иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги битимда белгилаб берилган. Ҳар йилги ўзаро товар айирбошлаш бир неча миллион долларга етмоқда. Ўзбекистон Литвага пахта толаси, нефть ва нефть маҳсулотлари, рангли металлар ва улардан ясалган буюмлар етказиб берса, у ердан Ўзбекистонга электр машиналари ва электр ускуналари, сут маҳсулотлари, мебель, турли машиналарга эҳтиёт қисмлар келтирилади. Шу йил июнь ойида Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг Литвага давлат ташрифи икки ёқлама иқтисодий, маданий, савдо-сотиқ алоқаларини янада кенгайтиришда муҳим қадам бўлди. Визит чоғида икки томон учун манфаатли бўлган бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

**— Ўзбекистонда анчадан буён яшайсизми?**

— 1960 йилдан буён тақдиримни бу жаннатмакон ўлка билан боғлаганман. Меҳнат фаолиятим ҳам шу ерда бошланган. Дастлаб Бухоро геология-қидирув экспедициясида ишлаб, Газли шаҳри қурилишида қатнашдим. 1963 йилдан бошлаб эса юқори қувватли электр узатгичлар линияси қурилишида меҳнат қилдим. Оҳангарон, Фарғона, Наманган, Дулдул, Урганч орқали ўтган электр узатгичларни бунёд этишда иштирок этдим. Кейинчалик Уралда, Красноярск ўлкасида ўз соҳам бўйича ишладим. Ўзбекистоннинг сувини бир марта ичган одам бир умрга бу жаннатмакон масканнинг мафтуни бўлиб қолади. Қаерда бўлмай, қаерда яшамай, қалбимда Ўзбекистон сўнмас қуёшдай нур сочиб турди. Ўзбекистонни ўз Ватаним деб билганман. Чин дўстлар, меҳрибон, самимий инсонлар диёрида мусофирлик туйғуси менга бегонадир. Бу ерда дўстлик қуёши ҳаммага бирдай нур сочади.

... Литвада Ўзбекистонга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Шу йил ёзда Вильнюсда бўлиб, дам олиш уйларидан бирида хордиқ чиқардим. Оммавий ахборот воситалари вакиллари мени ўраб олиб саволга тутишди. Уларни ҳамма нарса Ўзбекистондаги вазият, имкониятлар, солиқ муаммоси, табиий бойликлар, айниқса пахта, мармар қизиқтирар эди. Литва ишбилармонлари, хўжалик раҳбарлари иқтисодий, ижтимоий ҳаёт, барқарорликни яқиндан ўрганиш, кузатиш мақсадида Ўзбекистонга бот-бот келиб турибдилар. Хабарингиз бор, бундан бир қанча вақт муқаддам Литва Республикаси Бош вазири А. Шлевнявигус раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистонда бўлди. Икки ҳукумат ўртасида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича муҳим битим имзоланди. Ана шу ташриф арафасида Тошкентда Литвада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси очилди. Юрак юракдан қувват олганидек, дили, нияти, мақсади бир халқларимиз янада яқинлашсалар, бундан икки томон ҳам ютади.

**Мирзо АНВАР**
**суҳбатлашди.**

